



ИЗЧИЛ ИСЛОХОТЛАР – ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ГАРОВИ

**ДАВЛАТ РАҲБАРИ ИЖТИМОЙ-
ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ
МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН
МАЖЛИС ЎТКАЗДИ**

Унда мамлакат тараққиётининг янгиланган таҳминлари ва республика бюджетини аниқлаштириш бўйича таклифлар кўриб чиқилиди. Тадбирда Бовазиз Асқар Мамин, Президент девони раҳбари Ерлан Кўшанов, Миллий банк раиси Ербўлат Дўсаев ва бошқалар иштирок этишли.

Йигилиш давомида Ҳукумат ижтимоий-иктисодий тараққиёт таҳминлари ва жаҳон иқтисодиётидаги вазиятни, товар бозорларидаги мойиллик ва 2021 йилнинг биринчи чорагидаги дастлабки натижаларни хисобга олган ҳолда жорий йил учун республика бюджетини аниқлаштириш бўйича таклифларни тақдим этди. Хусусан, жорий йилда ИЯМнинг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиши ва 3,1 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Бюджетни аниқлаштиришдан мақсад – Давлат раҳбари Мактуби ва Nur Otan партиясининг сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни амалга татбиқ этиш. Шу муносабат билан бюджетнинг ҳам даромадлари, ҳам харажатлар қисмининг ўсиши кутилмоқда.

Қўшимча маблағлар магистраль йўлларни тараққиёттириш, «Оувул – эл бешиги» лойиҳасини амалга оширишини давом эттириш, иқтисодиётнинг энг кўп зарар кўрган соҳаларида тадбиркорлик субъектларни кўллаб-куватлаш, бандларининг йўл харитасини амалга ошириш ва агросаноат мажмуасини ривожлантиришга йўналтирилади.

Мұхокама якунлари бўйича Давлат раҳбари харажатларни мувофиқлаштириш, бюджет даромадларини ошириш, давлат хаridлари тизимини тақомиллаштириш, инфратузилма ва рақамлаштиришни ривожлантириш, шунингдек, хусусийлаштиришнинг мажмуавий режаси доирасида иқтисодиётдаги давлат улушини камайтириш бўйича тадбирларни фаоллаштириш юзасидан кўрсатмалар берди.

Akorda.kz.

**ЯНГИ СУВ
ОМБОРИ БАРПО
ЭТИЛДИ**

2

**ОНАДАН
ЧАҚАЛОҚҚА
ЎТМАГАН
КОРОНАВИРУС**

4

**ҚИЗ БОЛАГА
МЕҲР БЕРИНГ...**

6

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Жанубий Қозогистон

TURKISTAN
janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2021 йил 17 апрель, шанба. №40 (2945).



МИНТАҚА РАҲБАРИ ПРЕЗИДЕНТГА ҲИСОБОТ БЕРДИ

Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев телефон орқали Туркистон вилояти ҳокими Умирзақ Шўкеев билан минтақадаги санитария-эпидемиологик ва ижтимоий-иктисодий вазиятни муҳокама қилди.

Туркистон вилояти ҳокими Президентга коронавируснинг тарқалиши бўйича минтақанинг ҳозирги кунда “яшил” ҳудудда экани ҳамда 35 минг фуқаронинг вакциналанганини маълум қилди.

Бугунги кунда Туркистон вилояти республикада жун, сут ва гўшт етишириша пешқадамлик қилмоқда ва минтақанинг устувор йўналишларидан бири – вилоят марказини сифатли озиқ-овқат билан тўлақонли таъминлашдир. Шу муносабат билан Туркистон шахри атрофифа қатор қалдирғоч лойиҳаларни ўз ичига олган озиқ-овқат белбогини яратиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Асосий лойиҳалардан бири бу ўз озуқа базасига эга сут-товар фермасини ташкил қилиш лойиҳасидир.

1200 бosh голштин-фриз зotdor қорамолга мўлжалланган янги ферманинг асосий мақсади аҳолини сифатли сут маҳсулотлари билан таъминлашдир. 46 гектар майдон ажратилиб, Интимақ қишлоғи (Кентов шахри, Чофа қишлоқ округи)да янги ферманинг курилиши бошлаб юборилди.

Бугунги кунда лойиҳа доирасида Италияning Rota Guido компанияси курилиш-монтаж ишларига киришди. Ушбу лойиҳа минтақада сут ва сут маҳ-

қасим-Жўмарт Тўқаевга янги Саурон туманини ташкил этишига доир ахборот берилди. Умирзақ Шўкеевнинг айтишича, ҳозир янги ҳокимликнинг бошқарув тизими ва бюджети тасдиқланмоқда. Яқин кунларда ҳукуқни ҳимоя қилиш органлари ва вазирликларнинг маҳаллий бўлимлари фаолият бошлайди. Янгидан ташкил этилаётган туманинг аҳолиси 100 мингдан ошади, умумий майдони 650 минг гектарга яқин. Туманинг маъмурӣ маркази Чўрноқ қишлоғи.

Шунингдек, сухбат давомида

электр қувватининг фавқулодда вазиятда ўчиши туфайли келтирилган заарларни бартараф этиш, баҳорги сув тошқинининг олдини олиш ҳамда обикор дехқончилик муаммоларини ҳал этишига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат раҳбари вилоят ҳокимига минтақадаги санитария-эпидемиологик аҳволни барқарорлаштириш ҳамда фуқароларни вакциналаш тадбирларини жонлантириш юзасидан қатор аниқ топшириклар берди.

ЕТТИ ҲАЗИНАГА ЙЎЛ

**ВИЛОЯТДА 1200 БОШГА МЎЛЖАЛЛАНГАН
ЯНГИ СУТ-ТОВАР ФЕРМАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ**



сулотлари сифати ва ҳажмини ошириш имконини беради ва янги иш ўринлари яратилади.

Келгусида ушбу лойиҳа йилдан йилга сайёҳлар сони ошиб бораётган вилоят марказини сифатли сут маҳсулотлари билан таъминлайди.

2019 йилдан бошлаб, лойиҳанинг биринчи босқичи доирасида «Туркистон» қишлоқ хўжалик ширкати 1000 гектар майдонда озуқабоп экинларни етиширишга киришди. Бюджет маблаг-

лари ва жалб қилинган сармоялар хисобидан 18ta ёмғирлатиб сугориш ускунаси харид қилинди, шунингдек, озуқабоп экинлар етиширилпётган ерларга 26ta қишлоқ хўжалиги техникаси ўрнатилди.

Лойиҳа режасига кўра, етиширилган ҳосил барпо этилаёттан саноат сут-товар фермасини зарур ем-хашак базаси билан тўлиқ таъминлайди.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.



ЯНГИ СУВ ОМБОРИ БАРПО ЭТИЛДИ

Туркестон шаҳрида барпо этилган Кенсай-Құшқұрғон-2 сув омборига сув қуйила бошлади. Натижада, күп сув жамғармасига эга бўлмаган шаҳарда обикор сув масаласи ҳал этила бошлади. Қорасув дарёсининг шаффофф, тоза сувини сақлашга мўлжалланган янги омборнинг ишга туширилиши сув тошқини хавфини камайтиради.

Эслатиб ўтамиз, ўтган йили ушбу лойиҳа вилоят ҳокими Ўмирзақ Шўкеевнинг ташаббуси билан амалга оширилган эди. Вилоят раҳбари янги иншоот қурилишини шахсан ўзи назорат қилди.

— Келажакда Кентов ва Туркестоннинг орасидаги масофа воҳага айланади. Янги сув омборларининг сони ортади. Бу минтақада балиқчиликни ривожлантиришга таъсир кўрсатади. Сув омборлари соҳилида ҳордик худудлари очилади. Энди сувдан самарали фойдаланиб, сугориладиган майдонлар учун сарфлаш мумкин, — деди шаҳардаги сув омборларининг қурилишини назорат қилган минтақа раҳбари.

Туркестон вилоятида обикор сув тақиилигини ҳал этиш мақсадида ийрик сув иншоотларининг қурилиши юритилган. Ҳажми 18 млн. куб метр сув омборига 1 млн. куб метр сув жамланди. Келгусида уни 10 млн. куб метргача етказиш режаланмоқда. Сув омборнинг 9,8 чақирими тўлиқ бетон билан қопланди. Сув етказувчи каналнинг 14,5 чақирими қазилди. Лойиҳа тўлиқ ишга туширилса, Туркестон шаҳрига йилига кўшимча равишда 34 млн. куб. метр сув боради.

Вилоят раҳбарларининг кўрсатмасига биноан минтақадаги барча сув тармоқлари ва тизимлари ракамлаштирилади.

ЛАТИФ ШАҲАР ЯНАДА ЛАТОФАТЛИ БЎЛАДИ



Туркестон вилояти ҳокими Ўмирзақ Шўкеев юртимизнинг маънавий пойтахтида олиб борилаётган ободончилик ва қўкаламзорлаштириш жараёнлари билан танишди.

Вилоят раҳбари мутасадди шахсларга санитария меъёрлари ва эҳтиёт чораларига риоя қилиш зарурлигини эслатди. Таъкидлаш жоиз, айни пайтда Туркестон вилояти «яшил» ҳудудда.

— Минтақадаги карантин ва чеклов чоралари эпидемиологик вазият барқарорлашгунга қадар давом этади. Эҳтиёт чоралари ва интизомни, айниқса, қурилиш соҳасида кучайтириш керак. Бундан ташқари, барча туман ва шаҳар ҳокимлари, идора раҳбарлари ва тегишли давлат органлари чеклов чоралари асосида ишлашга мажбурдирлар, — деда таъкидлади Ўмирзақ Шўкеев қурилиш майдонлага автоматик суғориш тизимини ўрнатиши тадбирлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, минтақа раҳбари «Тизимли истироҳат боғи» ҳудудида олиб борилаётган ободонлаштириш ишлари билан танишди. Унинг майдони 0,7 гектар, яшил ҳудуд – 0,3 гектар. Боғда ёритиш мосламалари ўрнатилган. Бундан ташқари, пиёдалар йўлаклари ётқизиш, қўкаламзорлаштириш майдонига автоматик суғориш тизимини ўрнатиши тадбирлари олиб борилмоқда.



ИМКОНИЯТДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

БОШПАНАЛИ БЎЛИШ ИМКОНИ КЎПАЙДИ

Йил бошидан бўён Туркестон шаҳрида фаолиятини бошлаган “Уй-жой савдоси” маркази юқори суръатда иншаломоқда. Бугунги кунда марказга “Bank RBK” ҳам бирлаштирилди. Шу кунгача фуқаролар “Оила банки” ҲЖ, иккинчи даражали банклар – “Қозогистон халқ банки” ҲЖ, “Сбербанк” ҲЖ орқали уй-жой олиш тўғрисидаги маълумотларини олиб келишган.

Туркестон шаҳрида қурилиши тугалланган кўп қаватли уйларни (1,2 ва 3 хонали) 2021 йилнинг март ойидан бошлаб “Оила банки” ҲЖ иккинчи даражали банклар “7-20-25” дастури доирасида узоқ муддатли насияга бермоқда.

Туркестон шаҳри ҳокимлигининг қурилиш бўлими маълумотларига кўра, биринчи чоракда 16та, иккинчи чоракда 27та, учинчи чоракда 22та, тўртинчи чоракда 17та уйни фойдаланишга топшириш кўзда тутилган.

Таъкидлаш жоизки, Туркестон вилояти ҳокими Ўмирзақ Шўкеевнинг топшириғига кўра, шаҳарда уй сотиш маркази очилган эди.

• Обод манзиллар шукухи Йил охиригача 700дан зиёд оила бошпанали бўлади



Туркестон вилояти ҳокими Ўмирзақ Шўкеев вилоят марказида барпо этилаётган кўп қаватли уй-жойлар қурилишини кўздан кечирди.

Қурувчилар билан учрашувларда вилоят раҳбари, авваламбор, барпо этилаётган иншоотларнинг сифатига эътибор қаратиш, шунингдек, белгиланган жадвалга мувофиқ ишларни

якунлаш тўғрисида кўрсатма берди.

Ўтган йили Туркестонда уй-жой олиш учун навбатда турган фуқаролар сони 12 минг кишидан ошди. Шунинг учун янги ижтимоий уйлар сонини кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ўтган йил охирида навбатда турган 440 киши квартирага эга бўлди. Яна 534 киши кўчмас мулкка кредит расмийлаштирган.

Бундан ташқари, 7та уй-жой биноси фойдаланишга топширилган. «Оила банки» орқали 336та квартира фойдаланишга топширилди. Бугунги кунда маъмурий-тадбиркорлик марказида 77та уй барпо этилмоқда. Жорий йил охиригача 730 квартира фойдаланишга топширилади.

Шу билан бирга, йил охирига қадар шаҳарда 46ta кўп қаватли уйнинг ташқи қиёфаси янгиланади. Маънавий пойтахтида автомобиль йўлларини ёритиш ва тубдан таъмирлаш юзасидан кенг кўламли ишлар якунланди. Хусусан, вилоят марказида 10 чақирим йўл таъмирланди, 200 чақирим узунликдаги 140та кўчага ёритиш мосламалари ўрнатилди. 100 чақирим йўл асфальтланди, 81та кўчага пиёдалар йўлаги ётқизилди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

“FARAB” кутубхонаси хорижлик олимларни ЛОЛ қолдирди

Вилоят ҳокими Үмірзақ Шүкейев хорижлик йирик олимлар ва археологлар билан бирга “Farab” кутубхонасига ташриф буюрди. Мамлакатамиздаги ягона илмий-оммабоп мажмua илғор технологиялар билан жиҳозланган. Асосийси – кутубхона ёшлар марказига айланыб бормоқда.

Марказ ижодкорлик ва илхомни ўзида мұжассам этган ва ноёб лойиҳаларни ҳаётга татбик этадиган мажмua сифатида барча китоб-сөварларнинг севимли масканига айланади. Бунинг учун барча шароитлар яратилған.

Яңи кутубхонанинг фаолияти билан Қозоғистон Республикасы Жаҳон мероси миллий құмитаси раисининг үринбосары Дмитрий




институтининг мұхбир ағзоси Виктор Зайберт ва бошқалар танишиді.

2019 иили роботлар техникаси бүйічә үтган жаһон чемпионатыда учинчи үринга эга бўлган жамоа “Farab” кутубхонасида фаолиятини бошлади.

Кутубхонада эски кўлёзма ва китобларни асл ҳолига келтиришга Тақдимот зали, илмий-



Воякин, тарих фанлари доктори, Қозоғистон Республикаси А. Марғулан номли МФА академиги ва Археология институтининг бош директори Бауржан Байтанаев, академик, З. Буниятов номидаги Шарқшунослик институты директори үринбосари Шайм Мустафаев, Вашингтон университети Антропология кафедраси профессори Сент-Луис Майл Фрачетти, Татаристон Фанлар академиясининг мұхбир ағзоси, А. Халиқов номидаги археология институты директори Айрат Ситдиқов, археолог, тарих фанлари доктори, Германия Археология



тадқиқот маркази, китоб сақлаш омбори ҳам мавжуд. Бу ерда ноңдир китоблар ва монускриптилар сақланмоқда. Хорижлик олимларни китоб жамғармаси лол қолдирди.

**Вилоят ҳокимининг
матбут хизмати.**



Х. А. Яссавий номидаги Халқаро қозоқ-турк университетида чет эллик олимлар, археологлар иштирокида «Туркистан – 3000 ёшда» мавзууда давра сұхбати үюстирилди.

Украшувда Туркистан вилюяти ҳокимининг үрингбосари С. Қалқаманов, университет раҳбары Ж. Темирбекова, тарих фанлари доктори, Қозоғистон Республикаси А. Марғулан номли МФА академиги ва Археология институтининг бош директори Б. Байтанаев, Қозоғистон Республикаси Жаҳон мероси миллий құмитаси раисининг үрингбосари Д. Воякин, академик, З. Буниятов номидаги Шарқшунослик институтты директори үрингбосари Ш. Мустафаев, Вашингтон университети Антропология кафедраси профессори С. Фрачетти, Татаристон Фан-

ИССИҚХОНАЛАРДА ИШ ҚИЗГИН

Жаннатмакон диёриз заминига таек қадалса, ниҳол бўлиб буй кўрсатади. Ҳатто туроқдан ҳам мўъжизалар ундиришга қодир бўлган сайрамлик миришкорлар ернинг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланиб, ҳалқ фаровонлигини оширишга ҳисса кўшяпти. Жойларда барпо этилаётган иссиқхоналар ҳам илғор инновацион технологиялар асосида жиҳозланishi, меҳнат унумдорлигини ошириш билан бирга кўпгина қуайликлар ҳам яратмоқда.



Сайрам туманидаги 41,7 гектар иссиқхоналарга бодринг, помидор, бақлажон, булғор қалампири, лимон экилган. Шунингдек, ҳовлилар ва кўчаларни ободонлаштириш мақсадида иссиқхоналар-

да гул кўчатлари етиштирилмоқда.

Туман ҳокими Уласбек Садибеков қорасув қишлоқ округидаги 30 одам меҳнат қилаётган «Нар-Ата» дехқон хўжалигига ташриф буюриб, миришкорларнинг фаолияти билан танишди.

Ушбу иссиқхона 2020 йил октябрь ойида иш бошлади. Хўжалик раҳбари Э. Элдорбек ҳокимдан қишлоқ инфратузилма тизимини такомиллаштиришин илтимос қилди. Туман ҳокими бу масала үрганилиб, тегишли қарор



Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

ЯМТ ТОПШИРУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА

Жорий йилда Туркистон шаҳрида 1337 ўқувчи ягона миллий тестда иштирок этади. Тест карантин муносабати билан “U-FUTURE” МЧБнинг базасида ўтказилади. 2та аудиторияда 100та ўрин тайёрланиб, санитария талабларига тўлиқ риоя қилинади.



Вилоят бош давлат санитария шифокорининг қарорига мувофиқ, иштирокчилар тадбир уюштирувчилар томонидан коронавирус инфекциясининг олдини олиш ва карантин талабларига амал қилиш тўғрисида огоҳлантирилади.



ЯМТ иштирокчиларидан бино кираверишидаги зарарсизлантириш бекатидан ўтиш, ижтимоий масофани сақлаш, тиббий ниқоб тақиши ва бир марталик қўл бериб саломлашиш мумкин эмас. Имтиҳон ўтадиган ҳудудда ота-оналар ёки бошқа фуқароларнинг юриши тақиқланади.

Таъкидлаш жоиз, мамлакатимизда ЯМТ топшириш 15 апрель ва 30 июнь оралиғида ўтади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ОНАДАН ЧАҚАЛОҚҚА ЎТМАГАН КОРОНАВИРУС

COVID-19га чалинган 20 ёшли ҳомиладор аёл шифокорлар ёрдамида фарзандини омон-эсон дунёга келтирди.

Сайрам туман юқумли касалликлар касалхонасига олиб келинган ҳомиладор аёлнинг коронавирус юқтиргани аниқланди.

Малакали шифокорлар консилиуми ёрдамида у 3400 гр. вазндан тўнғич фарзандини омон-эсон дунёга келтирди. Чакалоқдан ҳам коронавирусга тест олинди. Унинг натижаси ўғилчанинг соғлом эканини кўрсатди.

Тиббиёт ходимларининг маълум қилишича, айни вақтда чақалоқ ва онасининг ахволи қониқарли, улар шифокорлар кузатуби остида.

Дарвоқе, ўтган йили корона-

вирус инфекциясини юқтирган 122 нафар ҳомиладор аёл омон-эсон туғиб олиш баҳтига муясар бўлди.

Туркистон вилоятида янги йилдан бўён 15 мингга яқин бола туғилди. Ўтган йили эса

минтақада 61274 чақалоқ дунёга келди ва вилоятимиз республика бу кўрсатичдан биринчи ўринга чиқди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

Туркистон вилоят маслаҳати сессиясининг Қарори

2021 йил. 15 апрель №6-Ш қарори

Еттинчи чақириқ Туркистон вилоят маслаҳатининг навбатдан ташқари бешинчи сессиясини чақириш тўғрисида

“Қозғистон Республикасида маҳаллий давлат бошқаруви ҳамда ўзини-ўзи бошқариш тўғрисида” ҚРнинг 2001 йил 23 январдаги Қонунининг 10-моддасига мувофиқ, 2021 йил 21 апрель куни соат 11.00да еттинчи чақириқ Туркистон вилоят маслаҳатининг навбатдан ташқари бешинчи сессияси 2021 йил 21 апрель куни соат 11.00да онлайн-тарзда ўтишини маълум қиласан.

А. ЎРМАН, вилоят маслаҳати сессияси раиси.

• Вилоят маслаҳатида

ТУРКИСТОН ВИЛОЯТ МАСЛАҲАТИ ДЕПУТАТЛАРИ ВА ВИЛОЯТ АҲЛИ ЭЪТИБОРИГА

“Қозғистон Республикасида маҳаллий давлат бошқаруви ва ўзини-ўзи бошқариш тўғрисида” Қозғистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига мувофиқ, Сизларнинг эътиборингизга еттичини чақириқ Туркистон вилоят маслаҳатининг навбатдан ташқари бешинчи сессияси 2021 йил 21 апрель куни соат 11.00да онлайн-тарзда ўтишини маълум қиласан.

Сессияда муҳокама қилинадиган масалалар:

1. Туркистон вилоят маслаҳатининг 2020 йил 11 декабрдаги 54/557-VI рақамли “2021-2023 йилларга мўлжалланган вилоят бюджети тўғрисида” қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида;
2. Жанубий Қозғистон ви-

лоят маслаҳатининг 2017 йил 30 марта даги 11/111-VI рақамли “Маҳаллий давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида” қарорига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш;

3. Жанубий Қозғистон вилоят маслаҳатининг 2017 йил 24 августдаги 14/172-VI рақамли “Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бўйича давлат топшириклигини қабул қилиш тўғрисида” қарорига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида;

4. “Фуқароларнинг алоҳида тоифаларига амбулатор шароитда даволаш даврида қўшимча бепул дори воситалари, махсус даволаш ҳамда тиббий ашёлар бериш тўғрисида”;
5. Туркистон вилоят масла-

ҳатининг 2019 йил 9 декабрдаги 44/478-VI рақамли “Туркистон вилоят ҳокимлиги қошидаги Инқирозга қарши штаб таркибини тасдиқлаш тўғрисида”;

6. Туркистон вилоятининг Фахрий ёрлиги билан тақдирлаш тўғрисида.

Сессия муҳокамасига бошқа масалалар ҳам киритилиши мумкин.

Еттинчи чақириқ Туркистон вилоят маслаҳатининг навбатдан ташқари бешинчи сессиясининг онлайн-намойиши maslihat-turkistan.gov.kz ҳаволаси бўйича маслаҳатнинг расмий сайтида олиб борилади.

**Қ. БАЛАБИЕВ,
вилоят маслаҳати котиби.**

Жаҳонда таниқли давлат арбоби ва афсонавий саркарда сифатида шуҳрат қозонганд Соҳибқирон Амир Темур умрининг мазмунини миллат дардига дармон бўлишдан иборат деб билди. Унинг ўз даврида бўнёдкорлик ва илмфан борасидаги ишларидан қалбимида гурур туямиз, ифтихор туйғусидан кўксимиз чарғон бўлади. Шу боисдан ҳам бу улуғ аждодимиз орадан йиллар ўтса-да, адолат тимсоли деб қадрланади, у таваллуд топган кун тантанага, шодиёнага айланади.



БУЮК СОҲИБҚИРОНГА ЭҲТИРОМ



Биз, ҚР ўзбеклари этномаданият бирлашмаларининг "Дўстлик" ҳамжамияти аъзолари, раис Икром Ҳошимжонов раҳбарлигида 9 апрель куни Тошкентда ўтган Амир Темур хотирасига бағишлиланган тадбирда иштирок этдик.

Бу куни буюк бобокалонимиз ҳайкал пойига гулчамбар қўйиш учун тумонат одам йигилди. Дунёнинг турли бурчакларидан келган меҳмонлар Соҳибқирон бобомизни ёд этмоқ, руҳларини шод этмоқ, хотирасига таъзим айламоқ учун шошарди...

Биз, Қозоғистон делегацияси ҳам, саҳнада Амир Темур сиймосини яратган Абубакир Хонхўжаев билан бирга ҳайкал пойига гулдастларимизни қўйдик. Абубакир акани келган меҳмонлар ўраб олдила, бирга суратга тушдилар. Сўнг шу хиёбондаги Темурийлар даври музейидаги ташкил этилган "Соҳибқирон Амир Темур – Темурийлар уйғониш даври бунёдкори" мавзууда уюштирилган онлайн-илмий анжуманда иштирок этдик. Уни музей директори, академик Ҳуршид Файзиев очиб берди. Сўнг ЎзРФА вице-президенти Б. Абдухалимов, ЮНЕСКОнинг ЎзРдаги ваколатонаси раҳбари Ян Хладик, Афғонистон Ислом Республикасининг ЎзРидаги Фавқулодда ва Муҳтор Ахмад Холид Элмий, ЎзР Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўйитаси раиси Р. Қурбонов ва бошқалар сўзга чиқиши. Анжуманда кўплаб тарихчи ва адабиётчи олимларнинг маърузаларини тингладик. "Дўстлик" ҳамжамияти раиси, Ҳалқаро Амир Темур хайрия жамғармасининг ҚР бўлими раҳбари И. Ҳошимжоновнинг маъруzasи кўпчилик эътиборини ўзига тортди.

Маърузада айтилганидек, сўнгги йиллардаги тадқиқот ишларida Амир Темурнинг тарихий образи борган сари ҳаққоний гавдаланиб бораётганигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Яқинда россиялик тадқиқотчилар буюк саркарданинг Россияга ҳарбий юришдан бош тортгани, унинг адолатли ҳукми натижаси эканлигини, умуман, бу юрт ҳалқларини асрий мўгул истилосидан халос қилишда буюк Темурнинг алоҳида ролини аниқ далиллар асосида эътироф этдилар.

Темурийлар тарихига қизиқишининг тобора ортиб бориши ва унинг яна бир

муҳим жиҳати – азалдан бир-бираiga кўшни бўлиб яшаб келаётган, қардош ва қондош қозоқ-ўзбек ҳалқларининг абадий дўстлигининг мустаҳкамланишидаги ролини таъкидлаб ўтиш мумкин.

Улуғ ва мустаҳкам, айни чоғда тартиб ва адолат ҳукм сурадиган давлат барпо этган буюк аждодимиз Амир Темур ҳозирги Жанубий Қозоғистон ҳудуди тарихи ва маданияти ривожланишида чукур из қолдирди. Қозоғистоннинг жанубий ўлкаларидаги буюк бобокалонимиз ижтимоий-тарихий фаолияти билан боғлиқ тарихий қадамжолар, ўша ерда юз йиллар давомида оға-ини, дўст ва кўшни бўлиб яшаётган қозоқ ва ўзбек ҳалқлари ҳаётидан тарихий далиллар, аждодлари ҳаёт ва фаолияти Амир Темур номи билан боғлиқ сайрамлар "мир"лар авлодлари – буларнинг барчаси буюк сиймосинг келажак авлодлар учун қолдирган улкан маънавий ва моддий меросидир.

Қозоғистонда Ўзбекистон ва Ўзбекистонда Қозоғистон йиллари доирасида Яссавий диёри, яъни Туркiston шаҳрида ўтказилган маданий ва маърифий тадбирлар орасида "Биз бир ҳалқмиз", "Амир Темур – буюк саркарда ва бунёдкор" мавзууда ўтган ҳалқаро илмий-амалий анжуман иштироқчиларида катта таассурут қолдирди.

Қозоғистонда Соҳибқирон номи билан боғлиқ тарихий қадамжолар жуда ҳам кўп. Чунончи, Туркiston шаҳрида жаҳонга машҳур маҳобатли Ҳожа Аҳмад Яссавий ва Ўтрорда Арслонбоб мақбаралари мавжуд. Шунингдек, Амир Темур номидаги темир йўл станцияси (бекати), ҳозирги Ўрдабоши туманинг маркази Темирлан овули, Темурнинг қадами етган сонсиз боблар макони Сайрамда Аҳмад Яссавийнинг отаси Иброҳим ота ва онаси Қорасоч на мақбаралари ҳам Соҳибқироннинг фармони ила бунёд этилган. Кўхна ва навқирон Туркiston шаҳрида Амир Темур номидаги ўрта таълим маскани фаолият юритмоқда, Шимкент шаҳридаги шоҳқўчаларнинг бирига Амир Темур номи берилган.

Амир Темур фармони билан Аҳмад Яссавий мақбарасига 1399 йил Қарноқ қишлоғида Эрондан келган уста Абдулазиз Табризий томонидан 7 хил турли металл: олтин, кумуш, темир, қўргошин, мис, руҳ ва қалайдан дунёга машҳур

тойқозон ясалган. У 1935 йили Россияда ўтган Эрон кўргазмасига олиб кетилган ва кўп йиллар давомида Санкт-Петербургнинг Эрмитаж музейида сақланган. Уни жамоат арбоблари Ўзбекали Жанибеков ва Эркин Жўрабековлар 1989 йил 18 сентябрь куни Туркistonга қайтаришган. Галдаги режа – келгусида Аҳмад Яссавий мақбараси олдираги хиёбонга Соҳибқироннинг от устида ўтирган катта маҳобатли ҳайкалини ўрнатиши.

Яқинда Тошкентда нашрдан чиққан Сайрамда туғилиб ўсган ўзбекистонлик давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими, академик Камолжон Шодиметовнинг "Соҳибқирон Амир Темур авлодлари юртида" китобида Амир Темурнинг буюк сиймоси, унинг Жанубий Қозоғистон ҳалқлари ҳаётидан қолдирган ёрқин изи ва унинг меросининг ҳозирги авлод тарихий тафаккурида намоён бўлиши атрофича баён этилган.

Тадбир иштироқчиларига «Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетасининг Соҳибқирон таваллудига бағишлиланган мақола чоп этилган сонини мамнуният ва ифтихор билан тарқатдик ва у ўзбекистонликларда зўр қизиқиш уйғодти.

Анжуманда сўзга чиққан Абубакир Хонхўжаев Амир Темур монологини айтган пайтида барчамизнинг қалбимиш ҳаяжонга тўлди, гўёки бобомиз руҳи биз билан бирга эди...

Шу куни биз ЎзР Қуролли Кучлар Академиясидаги "Амир Темурнинг ҳарбий санъатни ривожлантиришдаги роли" мавзуудаги ҳалқаро илмий-онлайн конференцияда қатнашдик.

И. Ҳошимжоновнинг "Қозоғистон Республикасида Амир Темур ҳарбий санъатни ўрганиш" мавзуудаги маъруzasи ҳарбийлар эътиборини тортди.

Қозоғистон делегацияси Тошкент сафаридан кўнгли тоғдек бўлиб қайтди.

Нурхон ДЎСМАТОВА,
Қозоғистон ўзбеклари
"Дўстлик" ҳамжамияти
раисининг ўринбосари.

Замонга мос Кодекс

Жамият бир жойда тургани ўйқ. Инсоният барча соҳаларда тараққиёт сари жадал интилмоқда. Шу боис ҳар соҳада ўзига хос янгилек, ўзгаришлар пайдо бўймоқда. Масалан, кундаликда фойдаланиб юрган гаджетларсиз бугунги ҳаётимизни тасаввур этолмай қолдик. Ижтимоий тармоқларга уланиш учун смартфон қанчалар керак бўлса, янги Кодекс ҳам мамлакатимизнинг ҳуқуқ соҳасидаги муносабатларни созлаш учун шунчалар мухим.

21 аср аҳборот асри. Шунинг учун ижтимоий тармоқдан фойдаланувчи фуқаролар сони кундан кунга ортиб бормоқда. Мабодо фуқаро давлат хизматчиси томонидан ўзига нисбатан бирорта ноҳақлик ҳолатини сезса, дарҳол бир ҳаракат билан муносабат билдира олади. Жамиятда норози одамларнинг шу тарздаги муносабатлари кўпайди. Давлат органлари WhatsApp, Instagram, Face book тармоқлари орқали аҳоли фикр-мулоҳазаларини билиш ва қабул қилиш учун маҳсус саҳифалар очишган. Call-centre орқали ноҳуҳ ҳолатларни самарали ва тез ҳал қилиб, фуқароларнинг олқишига сазовор бўйшимоқда.

Муаммолар Ҳукумат ёрдамида ҳал этилиб, фуқаролар ижобий қарорларга эришмоқда. Суд соҳасида ҳам бундай ижобий иш – янги Кодекс. Аҳоли учун яна бир кулайлик. Унинг афзаллиги шундаки, томонларни суд жараёнда яратширади, маъмурӣ иш тез муддатда кўриб чиқилади, норози томонлар медиация ўйли билан тотувлашибилади.

Гулсезим БЕЙСЕБЕК,
вилоят аддия департаментининг
ҳуқуқий тарғибот ва аҳолига
ҳуқуқий хизмат кўрсатиш
бўлиммининг бош мутахассиси,
Қозоғистон ҳуқуқшунослар
уюшмаси аъзоси.

Янги Кодекс ҚР Олий Суди ва
ҚР Аддия вазирлигининг мала-
кали ҳуқуқшунослари томонидан,
ҳалқаро андазаларга мос таж-
рибага таянган ҳолда ишлаб чи-
қилди. Бу мамлакат учун муҳим воқеа ҳисобланади.
Унинг асосий вазифаси фуқароларнинг
барча мурожаатларини тез ва самарали ҳал қилиш учун тузилган "Ҳалқ овозини тинглайдиган давлат"нинг
ишончи таяничи бўлишидир.

У маъмурӣ актни қабул қилиш тартиби, унинг ижроси, ноқонуний актнинг ноқонунийлигини тан олиш, бартараф этиш, шунингдек, маъмурӣ орган ва суд баҳсларининг ҳал этиш тартибига хизмат қиласи. Кодексдаги яна бир янгилик – маъмурӣ иш кўриб чиқилаётган пайтда далилларни ўғиши мажбурияти хусусий шахс ёки бизнес вакилларига эмас, балки давлат органи зиммасига тушади.
Бундан ташқари, қонунчиларни барча қарама-қаршиликлар фуқароларнинг манфаатларини инобатга олган ҳолда тушунтирилади.

Урмия ҚУЛИМБЕТ,
вилоят аддия
департаментининг
бош мутахассиси.





Баҳодир СОБИТ

Серқира ижодкор Баҳодир Собитов (Баҳодир Собит) 1950 йилда Қозогистоннинг Турбат қишлоғида туғилди. Мехнат фаолиятини эрта бошлади. Тошкент Давлат (хозирги Ўзбекистон Миллий) университетининг она тили ва адабиёти факультетида таҳсил олди.

Баҳодир Собит филология факультетини Тошкентда тамомлаб келгач, Турбат қишлоғидаги "Янгитирлик" тўлиқсиз ўрта мактабида ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс берди. Юзлаб муносаб шоғирдлар тайёрлади. У Ўзбекистон халқ ёзувчиси Туроб Тўлани устоз сифатида қадрлаб, унинг фотиҳасини олган ажойиб ижодкор эди.

"Жанубий Қозогистон" газетасининг Қазигурт ва Сариоғоч туманлари бўйича маҳсус мухбири сифатида фаолият кўрсатиб, нашрнинг чинакам фидойиси бўлди. Баҳодир Собитнинг "Қалб армугони", "Турбат тароналари" тўпламлари ўз ўқувчиларини топса, Иккичи жаҳон урушининг инсоният қалбидаги қолдирган битмас-туғанмас жароҳатлари баён қилинган "Битмас жароҳат" асари Ўзбекистон Телерадиокомпанияси томонидан саҳналаштирилиб, телетомошибинлар ҳукмига ҳавола этилган, ўз ҳамкишloқлari ҳақидаги мъалумотлар эса "Турбатикларим" асарida ифодасини топган. Сўнг унинг "Саждагоҳим – Ватаним" номли китоби нашр этилди, шунингдек, "Магрибу машриқда порлаган юлдуз" достони ўзбек китобхонларига оммавий ахборот воситалари, Жиззах телевидениеси орқали етказилди.

"Турон чечаклари", "Тўёна", "Турон тўлқинлари", "Дўстлик достони", "Мангупик элим менинг" ("Вечная страна моя"), "Теуелсиздик тебіренестері" каби қатор жамоавий тўпламларга шеърлари киритилди. Вилоят ўзбек драма театрида саҳналаштирилган "Совчилар" асари уни драматург сифатида танитди.

Баҳодир Собит "Жанубий Қозогистон" газетаси ва "Дўстлик" ҳамжамияти уюштирган "Назм гулшани" мушоираси ҳакамлар ҳайъати аъзоси сифатида ёш ижодкорларни тарбиялашга ҳам катта ҳисса қўшиди.

Қозогистон ва Ўзбекистон шоир-ёзувчиларининг Турбат қишлоғида бир неча ижодий учрашувларини ташкил этиб, қардош халқлар адабий алоқаларини мустаҳкамлашда ҳам жонбозлиқ кўрсатди.

Серқира ижодий ҳамда самарали ижтимоий фаолияти учун у "Қозогистон Республикаси Мустақиллигига – 10 йил" юбилей медали, "Жамоат фахрийси", "Жамоат фидойиси", "ЖКВ ўзбек маданият марказининг 25 йиллиги" кўкрак нишонлари, "Қазигурт туманинг фахрий фуқароси" унвони, турли даражадаги Фахрий ёрлиқ ва Ташаккурномалар билан тақдирланган. Шоир "Ижодкор" адабий бирлашмасини тузишда ҳам камарбаста бўлди.

Ҳассос шоир, оташқалб ижодкор Баҳодир Собитнинг порлоқ хотираси қалбимизда доимо яшайди.

"Жанубий Қозогистон" газетаси таҳририяти жамоаси.



Яхшилар ўлмайди, улар хотираобод қаърида яшайдилар. Ота номини, шаънини муқаддас билган оталар эса дунёдаги энг улуғ зотларидир...

Тор кўчадан отам билан борар эканман, олдимииздан от миниб келаётган Маҳкам отага дуч келамиз. Бу одам мироғ эди.

– Қизим, ана, қишлоғимизнинг хурматли отаҳони келяпти, салом бер, – деди.

– Хўп бўлади, – дедим ва салом бериб, тез юриб Маҳкам отанинг олдини кесиб, ўлпнинг нариги томонига ўтишга ҳаракат қилдим.

– Тўхта, қизим, катталарнинг олдини кесиб ўтиб бўлмайди. Бу улрага нисбатан ҳурматсизлик бўлади! – деди.

– Раҳмат, Баҳодир, ота-онангга раҳмат! – деди Маҳкам ота.

Бу сабоқ кейинчалик ҳам доим ёдимда бўлди. Мактабни тамомладим. Она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси бўлишни истардим. Ниятимга этиб, талаба бўлдим.

Отам ҳаво ранг "Жигули"сида ҳафтанинг ҳар шанбаси мени Тошкент шаҳридан Турбат қишлоғига, уйимизга олиб кетар ва душанба куни яна институтгача олиб бориб қўярди. Мана шундай кунларнинг бирида яна

Отамнинг сабоқлари...

түғилиб ўсан қишлоғим томон ўйл олдик. Ота юртим томон борар эканмиз, мен дадамдан:

– Ада, нега мен Тошкентга кетаётганимда тез етиб олганда бўламан, қишлоққа эса етиб олишим жуда қийинdek туюлади? – деб сўрадим.

– Бу юрт, Ватан соғинчи қизим, – деб жавоб берган эди дадам.

Далалар, гўзал тепаликларни то-моша қилиб борар эканман, Турбат деб ёзилган лавҳа кўринади. Пастликда турли рангларга бўялган томлар, яшилликка бурканган қишлоғим кўринарди. Ҳар сафар шу ерга келганда адам баланд овозда:

Асислан, сержилеа, ажойиб диёр, Сувларинг биллурдек

тоза, беғубор...

дэя ўзининг гўзал шеърини ўқирди...

Жаннати отам ўтли сатрлари билан ҳам Ватанга мұхаббатдан, юрга садоқатдан сабоқ берарди...

Қиз бола палаҳмон тоши экан. Ёрёёр садолари остида, ота-онамнинг дуолари билан ўзга бир хонадонга келин бўлиб тушдим. Мен тушган хонадон жуда саранжом-саришта эди. Бироз муддатдан сўнг ота ўйимга меҳмон бўлиб бордим. Отам ва онам мени қувониб қарши олишиди. Тўкин дастурхон устида ҳаммамиз сухбат куриб, адам шеърлар ўқиб, кулишиб, овқатланиб ўтирадик.

– Ада, опа, мен тушган хонадонда дастурхон тепасида гаплашишмас экан – дедим.

– Қани, тур, қизим, – дедилар кўрсаткич бармоғини стулга аста тақиллатиб. Агар касал бўлсанг тузалганингда кел, хафа бўлсанг – хурсанд бўлганингда кел. У уйдан бизга, биз

дан уларга гап ташима. Онаси, қизинг кетар экан, уйини соғинибди, – деди.

Дадам мени машинада ўйимга олиб бориб қўйди. Унинг биргина, оталарча меҳрибонлик билан айтган гаплари ҳанузгача қулоғим остида жаранглаб туради. Шу биргина ҳаракати орқали қиз боланинг оиласига меҳр қўйишида, у хонадондан бу хонадонга гап олиб келмаслик натижасида қудалар ўртасидаги самимий ришталар мустаҳкамланишини тушундим. Отамнинг бу сабоқларини бир умр унутмадим.

Эрта тонгда телефон жиринглайди. Отам ўқтам овозда:

– Ассалому алайкум, она қизим. Омонмисиз? Уйдагилар тинчми? Кўёвим яхшими? Қизим, кўёвимни ардоқла, уни ҳурмат қил. У сени бир умрлик йўлдошинг. Эррак киши доимо айлидан ширин гап эшитса, ишга яхши бориб келади. Омадини берсин. Омон бўл, – деб, чироили дуо қиларди.

Хол-аҳвол сўраб ҳам, ҳар гапида ҳикмат билан сабоқ бериб кетадиган отажоним, сизни жуда соғинидим...

Доим ёнимда юардингиз, энди ёдимдасиз мудом. Сиз берган сабоқлар умримнинг мазмунига айланди. Бирор инсондан раҳмат эшитсам, дуо олсан, ҳамиша сизни эслайман. Меҳнатибоним, ғамхўрим...

Охиратингиз обод бўлсин. Бугунги фаровон ҳаётим, тинч рўзгорим ортида сизнинг насиҳатларингиз, меҳнатларингиз борлигини ҳис қиламан.

Сизга муносаб фарзанд бўлишига интилиб яшайдиган қизингиз.

Дилфузада БАҲОДИР қизи.



Қиз болага меҳр беринг...

(ОТАЖОННИМНИ ЭСЛАБ)

Кўп кузатганман. Муazzам ойим қраҳматли ёш келинларни дуо килсалар, «илойим, Баҳодирхўжага ўшаган ўғил берсинг», дердилар. Қўшнимизнинг Баҳодир деган ўғли бўларди, синглиси синфдошим эди. «Биласанми, акамга адандиги исмини кўйишган, шу одамга ўхшасин, деб», деган эди.

Адам раҳматли жуда олижаноб, раҳмидил, элпарвар, доим чироили либосларда юрадиган, ўзлари ҳам алпкомат, кўркам инсон эдилар. Ҳозир ҳам ёзяпману, кулиб турган чехраси кўз олдимда туриди.

Бир куни дўйонга чироили, оппоқ,

спортичлар кийимини эслатадиган чет эл курткаси келди. Синфдошларимнинг айтишича, ўзи бир дона келган экан. Айтганимни мухайё қиладиган адақоним шуни менга олиб беришларига ишонардим. Ишдан келишлари билан ялина бошладим. Ўзи битта эканлигини, эртага сотилиб кетиши мумкинлигини айтиб, ҳиқиллайвердим. У пайтда дўйонлар давлатга қарашли бўлар, кечки соат 19.00да ёпиларди. Соат 21.00 бўлибди. Тамом!

Дўйон ёпилди. Энди кап-кatta қиз росмана йиглай бошладим.

Адам «Волга»сига ўтқазиб, сотовчининг уйига бордик, муҳрланган дў-

конни очтириб, курткани олиб берган эдилар.

Сизага ҳозир жуда тантик қиз қиёғасида таассурот қолдиргандирман, аммо, тўқис ўтган болалигим учун ҳам кейин доим қўзим тўқ бўлди.

Бунинг ҳеч бир ибратли жойи йўқку, дерсиз. Қиз бола уйига чиндан ҳам меҳмон бўлади. Отасининг уйида меҳрга тўйиб улғайган қиз кейин оиласига, фарзандларига ҳам чексиз меҳр бера олади.

Эртаклардагидек бетакрор ўтган болалигим учун ташаккур, адақоним. Аллоҳим кенг феълингиздан ёрлақаси! Жаннатларда ёруг юз билан учрашиш насиб этсин.

Феруза СОЛХЎЖАЕВА.



Умр

(ОТАМ, ШОИР
БАХОДИР СОБИТНИНГ
ЁРКИН ХОТИРАСИГА)

Машина шитоб билан елиб борар, кичкина Маҳбуба йўл четири тартиб билан экилган дарахтларнинг гўё ҳаракатланаётгандек, орта қолиб кетаётганини болаларча завқланиб кузатиб бораради. Дараҳтлар тугаб, қирларга тулашиб кетган уфқ кўрингача, ҳайратини яшира олмади.

Узоқ уфқа тикилиб, хаёл билан машина бошқарётган отаси орқага ўғирилиб, қизига меҳр тўла нигоҳи билан бир жилмайиб кўйди-да, ботаётган қўёшга қараб, ўқтам овозда шеър ўқиди:

“Қўёш ботиб борар, толиқансимон,
Нур сочиш баҳтидан қониқансимон”.

Шоир отасидан нотаниш мисраларни эшитган қизалоқ:

– У нима дегани? – деб сўради.

Отаси эса ҳар доимигидек юмшоқ ва эркаловчи оҳангда:

– Бу, қизим, бобоқуёш ўзи ботиб бораётган бўлса ҳам, қанчадан-қанча ўлкаларни, заминни ўз нури ва зиёсидан баҳраманд этганидан мамнунлиги, бугунги ўтган куни беиз кетмаганидан

баҳтиёрлигини билдиради, тушундингми? – деб жавоб берди.

Гарчи ҳеч нарсани тушунмаган бўлса-да, Маҳбуба бош силкиб «ҳа» ишорасини қилди-да:

– Яна шеърингизни айтинг, – дея илтимос қилди эркаланиб.

Ота-бала йўл-йўлакай шеърни ўқиб келгунларича мисраларни ёдлаб олишга улгурди.

...Машинанинг муздек ойнасига чаккасини тираб, кўз ёшлари юзини ювиб, беъзтибор, беҳол атрофни кузатиб бораётган жувонга шофёр амаки:

– Қизим, ўзингни кўп қийнама, ҳозир ҳаммамизга оғир, қишлоқ ахли ажойиб инсондан, ягона шоиридан айрилди. Болам, отангнинг умри беиз кетмади, Баҳодир Собит ёзган шеърларни, берган таълимими шогирдлари ҳам, ҳалқи ҳам унутмайди, – деди.

Ҳамқишлоғининг самимий сўзларидан дили бироз ёришди. Маҳбуба қўёш қизариб, ботаётган уфқа қараб, беихтиёр ушбу мисраларни пичирлади:

“Қўёш ботиб борар, толиқансимон,
Нур сочиш баҳтидан қониқансимон”.

Чукур хўрсиниб, шеърнинг маъносини энди англағанини тушунди.

Маҳбуба БАҲОДИР қизи.

тетида ўқиб, ўқув юртини имтиёзли дипломга тутагтган бўлсам-да, отамнинг истаги билан Турбатга қайтиб келдим. Доно отам келажакни кўра биладиган инсон бўлганиларига яна бир карра амин бўлдим. Самимий, инсонпарвар, шоиртабиат турбатликларга хизмат қилиш энди мен учун ҳам юксак шарафга айланди.

Буюк қозоқ шоири Абайнинг «Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл», деган сатрлари бор. Менга инсонийликдан сабоқ берган отам эди. Кимdir отангга уҳшабсан, деса, мен учун шу энг катта мукофот.

Юкорида ўзбек театрининг очилишини эслаб ўтдим. Отамнинг шу пайтадаги кувончлари кўз олдимда турибди. Аслида, отам раҳматли Турбат қишлоғида илк театр ташкил этган, илк режиссёр ҳам эдилар.

Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг «Бой ила хизматчи» асарини мактабнинг юқори синф ўқувчилари билан бирга саҳналаштирган ва турбатликларга намойиш этган маърифатпарвар эдилар. Шу театрдаги баш ролни ҳам ўзлари ижро этган эдилар.

Эҳтимол, отам ҳақидаги хотирарамиз бир куни китоб бўлар, шундай бўлса, унинг энг яхши китоб бўлишига ишонаман, сабаби уларнинг ортида буюк ибрат бор.

Жавлон СОБИТОВ.
Қазиғурт туман
ўзбек этномаданият
бирлашмаси раиси,
Туроб Тўла номли умумий
ўрта мактаби директори.

Ибрат

Жорий йилда Қозоғистон Мустақиллигини нишонлаймиз. Қозоғистонда дастлабки ўзбек газетасининг ташкил топганига ҳам 30 йил, ўзбек драма театрининг очилиганига 19 йил тўлади. Бу саналар раҳматли отажоним кувончига сабаб бўлган эди...

Отажоним билан бирга юрган унтилмас лаҳзаларим...

Дунёда шундай инсонлар бўлади, улар мудом эл дарди билан яшайди, эл кувончини ўз кувончи деб билади.

Отам Баҳодир Собит мана шундай инсон эди...

Оиладаги энг кенжা фарзанд бўлганим учунми, жуда кичиклигимдан адам раҳматли доим ёнида олиб юради. Синдошлари билан бўладиган «гап-ми, гўзал Чимкент сафарими, азим Тошкентга, опаларимнинг уйига йўқлаб борамизми, доим бирга юрадим.

Шу «саёҳатлар» натижасида кўплаб азиз сиймоларни кўришга, сұхбатларидан баҳраманд бўлишига муваффақ бўлганман.

Журъат (Ирисали Жуманов), Ҳавазмат Қўчкоров, Собиржон Юсуфалиев, Иброҳим Туркий, Зокиржон Мўминжонов каби вилоят ўзбек ижодкорларининг сардорлари билан танишиш баҳтига мусасса бўлганман.

Бу учрашувлардан инсонлар билан мулоқот маданиятини ўрганган бўлсам, адабиёт ахлига муҳаббат руҳида ҳам тарбияланган эдим. Назаримда, шоир ёзувчилар дунёдаги энг яхши инсонлар эди. Ҳануз шу фикрдаман.

Тошкентда ҳуқуқшунослик факуль-



РАМАЗОНДАГИ ХАЙРИЯ

Жаҳон мусулмонлар жамғармасининг Қозоғистон Республикасидаги вакили доктор Ясири Муҳаммад ҳар ийли Рамазон ойида уюштириладиган хайрия тадбирида фаол иштирок этиб, Сайрам да-

ҳасидаги кам таъминланган оиласаларни озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек, кийим-кечак билан таъминлаб келмоқда.

“Сайрам” Маданият уйида ўтган тадбирида 20та оиласа шундай хайрия

ёрдами кўрсатилди. Унда иштирок этган таникли тадбиркор Ҳ. Аҳмадхонов ва муассаса директори А. Қурманбаева саҳоватпеша ҳомийга миннатдорчиллик билдиришиди.

3. АХМАДЖОНОВ.

ASTRAZENECA ВАКЦИНАСИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТЎХТАТДИ

доза AstraZeneca вакцинаси харид қилган эди. Республика соғликини сақлаш бошқармаси раҳбари Сорен Броствемнинг айтишича, бу қарорни қабул қилиш осон бўлмаган, аммо давлат дори омборларида бошқа вакциналар ҳам етарли вакциналарни мавзудли эпидемиологик вазият назорат остида.

Дания расмийларининг фикрига кўра, тадқиқотлар ушбу вакцина билан эмланганидан кейин тромбоз пайдо бўлишининг юқори даражасини кўрсатди.

Дания жами 2,4 миллион

доза AstraZeneca вакцинаси ва қон юқлашиш ўртасидаги боғлиқлик ҳақида ахборот берди.

Шунингдек, COVID-19дан ўлиш хавфи юқори эканлиги айтилмоқда. Европанинг қатор давлатлари вакцинадан фойдаланишни қисқа муддатга тўхтатиб, сўнг фақат катта ёшдаги гурухларга эмлашга руҳсат беришиди.

Казинформ.

● Ёднома

АЖОЙИБ ИНСОН ЭДИ

“Иқон” умумий ўрта мактабининг собиқ муаллими, нафақадор Абдулҳамид Абдуазимов оламдан ўтди. Бу ажойиб инсондан бу-гунги кунда фақат яхши хотираларига қолди.

Абдулҳамид ака 1941 йили Эски Иқон қишлоғида дунёга келган. Мактабни тутагтиб, колхозда оддий ишичи сифатида меҳнат фаолиятини бошлади. 1960-1965 йилларда Тошкент Давлат университетининг кимё-биология ўқибатида тутагтиб ва Сирдарё вилояти, Гулистан туманинг 20-сонли мактабда устозлик қилди.

Ҳарбий бурчани ўтаб, 1967 йили она қишлоғига қайтиди. 1967 йили Эски Иқон

қишлоғидаги Ю. Гагарин номли мактабда, 1970 йили эса “ВЛКСМ 50 йиллиги” номли мактабда кимё-биология ўқитувчи бўлиб ишлади.

1976 йили мактаб интернатда мудир бўлиб ишлади ва 1988 йилда интернатга директор этиб тайинланди.

Абдулҳамид ака ажойиб инсон, меҳрибон ўқитувчи, ташкилотчи раҳбар эди. Ўз ишини ҳамиша вижданан амалга оширади.

Абдулҳамид ака турмуш ўртоги Марҳамат ая билан 3 қиз ва 2 ўғилни муносиб тарбиялаб, вояга етказди, ўғиллари, қизларини ўйли-жойли қилиб, фарзандлару неваралар ардоғида баҳтия яшади.

1996 йили нафақага чиқиб, қариллик гаштини суребар юрган Абдулҳамид ака 2021 йил апрель ойидан оламдан ўтди.

Шундай ажойиб инсоннинг оила аъзоларига, яқинларига чукур таъзия изҳор киласиз.

Жойингиз жаннатда бўлсин, Абдулҳамид ака!

“Иқон” умумий ўрта мактаби маъмурлиги, касаба уюшмаси қўмитаси.

Туркистон вилояти ҳокимлиги ва вилоят ҳокими девони таникли мөъмор

Бақитжан Қудайбергенули АШИРБАЕВ-

нинг вафоти муносабати билан унинг оиласи, яқинлари, дўсту-ёронларига чукур ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор этади.

«Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти «Төлеби туы kz» МЧБ директори, газетанинг бош муҳаррири Абдималик Рахманқуловнинг волидай мухтараси

Зейне ҚУРАЛБАЙ қизи-

нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор этади.

Аллоҳ марҳумларни ўз раҳматига олган бўлсин!

● Соҳибқирон Амир Темурнинг 685 йиллигига

Туркистондаги Амир Темур номли умумий ўрта мактабда Соҳибқирон та-валлудининг 685 йиллигига багишланган “Амир Темур – дунё миқёсидаги тарихий шахс” мавзуида тадбир ўтди.



Тарихий давр акс этган мактаб даҳлизида мавзуга оид китоблар кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Карантин чекловлари туфайли тадбирда иштирок этиш ниятидаги барча меҳмонларни таклиф қилишининг имкони бўлмади.

Мактаб устозлар жамоаси, шаҳар ҳокимлиги ички сиёсат бўлими қошидаги “Ёшлар имконият маркази” раҳбари Бахитжан Дуkenбаев, Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси қошидаги оқсоқоллар кенгаси Раиси Тўлқин Сайд-

муродов, меҳнат фахрийи, устоз Қаххор Мусаевлар туркий оламнинг муштарак сиймоси бўлган Соҳибқироннинг жаҳон миқёсида бунёдкорлик, илммаърифат равнақига кўшган ҳиссасини, хусусан, Туркистондаги Яссавий мақбарасини барпо этган буюк инсонни улуғлаб, ушбу сана билан барчани муборакбод этилди.

Яқинда ўтган Туркий кенгаш саммитида буюк ўзбек шоир, мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг туркий дунё маънавий-маърифий ҳаётига кўшган бекиёс ҳиссасини инобатга олиб, фан, таълим, адабиёт, санъат, ижтимоий соҳа-

ган буюк шоир ва мутафаккир Хожа Аҳмад Яссавий меросига алоҳида эътибор қаратилади ва диний-ахлоқий қарашлари билан минтақамизда улкан эътибор қозонган ҳазрат Яссавийга Соҳибқирон Амир Темур ихлос қўйгани ҳамда унинг хотирасига Туркистон шаҳрида муҳташам мақбара бунёд этгани таъкидланди.

Мустақиллик йилларида Темур қадрияти ҳам қайта тикланди. Унинг жаҳон миқёсидаги, хусусан, Мовароуннахр, Турон ўлкасидаги маърифат, қурилиш, ободончилик, меъморчилик соҳаларида залворли меҳнати

бугунги кунда миллионлаб зиёратчиларни ўзига оҳанрабодай жалб этмоқда.

КР ўзбек этномаданият бирлашмалари “Дўстлик” ҳамжамияти раиси, ҳалқаро Амир Темур жамғармаси раиси Икромжон Ҳошимжонов туҳфа этган, мактаб даҳлизида ўрнатилган Соҳибқирон бюсти фархрий меҳмонлар иштирокида тантанали равишда очилди. Сўнг Амир Темур ҳаётига оид тарихий асрлардан лавҳалар намойиш этилди.

Мактаб устози, жамоат ишларида фаол Рўзимат Камолов Амир Темур ролини ижро этди.

Тадбирда устозлар ижросида “Темур тузуклари”, васиятлари ҳамда ҳикматлари, хусусан, унинг “Адоват эмас, адолат ёнгади”, “Ақлли душман нодон дўстдан афзалроқдир”, “Бир ишни бошлишдан аввал ундан чиқиши ўрган”, каби доно ўйтгапарни қозок, рус, ўзбек ҳамда инглиз тилларида янгради.

Тадбирни ташкил этиш ва ўтказиша мактаб директори Рўзибай Юсупов раҳбарлигига устозлар – Рўзимат Сайдакбар ўғли, Зарифа Икром қизи, Наргиза Зокир қизи, Салтанат Сайлаубай қизи, Нодира Анорбай қизи, Индира Мурод қизи, Мунавар Тўхташ қизи, Шоира Бакаева, Ўғилой Каримжон қизи, Илҳом Ибодулла ўғли, Дилмурад Солихон ўғли каби иқтидорли устозлар ҳалқаро Амир Темур жамғармаси раиси Икромжон Ҳошимжонов, Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият



лардаги ютуқлар ҳамда туркий дунё бирлигини мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларни рабатлантириш мақсадида Туркий кенгаш доирасида Алишер Навоий номидаги ҳалқаро мукофотни таъсис этиш таклиф қилинди. Вақти келиб, барча туркий ҳалқларнинг маънавий юксалишига улкан ҳисса қўш-

ижобий баҳосини олди. Ҳақиқат эгилди, лекин синмай, қайта тикланди. Қарноқ қишлоғига устаси Табризий шогирдлари билан қўйган машхур дошқозон ҳам Амир Темурнинг мақбара га тухфасидир. Баландлиги 37 метрдан зиёд, жами 35 хонадан иборат ушбу мөъморчилик санъати дурдонасига айланган мақбара

бирлашмаси раиси Баҳодир Ирисметов ҳамда мактаб маъмуритининг Ташаккурномалари билан тақдирланди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Суратларда: тадбирдан лавҳалар.

Муаллиф тасвирлари.

Директор – Бош мұхаррир учун – Муроджон АБУБАКИРОВ.

Бош мұхаррир
үрінбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ.
Аваҳон БҮРОНБОЕВ.

Масъул котиба –
Шаҳноза ҰСМОНОВА.

Масъул шаҳслар:

Туркистан, Кентов – Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07.
Түлебий – Баҳорой ДЎСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.
Қазигурт – Ҳуршид КЎЧКОРОВ. +7-701-447-37-42.
Сайрам – Мұхтабар ҰСМОНОВА. +7-707-257-97-36.
Тұлқибош – Мунира САҶДУЛЛАЕВА. +7-747-144-60-71.
Обуна, реклама ва эълонлар – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7-702-278-96-90.

Қозогистон Республикасида тарқатилади.

Муассис: Туркистон вилояти ҳокимлиги.

Мулк эгаси – “Жанубий Қозогистон вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

● Маколалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг түғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъуллариди.
● Фойдаланылмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарип-майди.

МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Диваев кўчаси, 4-йй, 4-қават. Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79. Бухгалтерия: 39-16-44. +7-747-701-50-55
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Газета КР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апредан рӯйхатга олиниб, KZ34VPU00022503 тубохона берилган.

Нашр курсаткичи – 65466
Адади – 11900

Навбатчи мұхаррир: Наргиза МАВЛОНОВА.

Буюртма:
985.